

Шри Ланкага мусулмон президент бўлиши мумкин



10:30 / 08.10.2019 2210

Шри Ланка президентлиги учун курашаётган 35 номзоднинг 4 таси мусулмондир. Бу ҳақда aljazeera.com нашри хабар беради.

Келаси ой душанба куни бўлиб ўтадиган президентлик сайловига 35 киши ўз номзодини қўйди.

Ҳинд океани оролида бўлиб ўтган президентлик сайловларида энг кўп 35 номзод курашмоқда. Аввалги сайловлардаги энг юқори кўрсаткич 2010 йилда 22 номзодни ташкил этган эди.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, президентлик учун номзодлар орасида иккита буддист роҳиб, тўртта мусулмон ва иккита Тамил жамоаси вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

